

Шайтон қачон ғолиб бўлади



18:30 / 24.10.2021 2079

أَلَا قَدْ مَلَ سَوَّوْهُ يَلْعَهُ لَلْإِيصِّي بِنَلَا نَعُ ، هُنَّ عُهُ لَلْإِيصَّرِءَادِرْدَلَا يَبْأَنْعُ
دَوَّحَتْ سَادَقُ الْإِيصَّةَالْصَلَا مُهَيْفُ مَأَقْتُ الْوَدَبِ الْوِيْرَقُ يَفِيْةَالْتَنْ مَام
يَصَاقِلْ الْبِيْذَلَا لُكْأَيِ أَمْنِإِفِ ، عَامَجَلَابِ كَيْلَعَفُ ، نَاطِيْشَلَا مُهَيْلَعُ
حَحَّصَوُ مَكَأَخْلَاوُ دَمَحْأَوُ يِئِئِاسْنَلَاوُ دُوَادُ وَبْأَهُ أَوْرُ

Абу Дардо розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қишлоқдами, саҳродами, уч киши бўлса-ю, улар ичида жамоат намози қоим қилинмаса, албатта, шайтон уларга эга чиқар. Жамоатни лозим тут. Айрилганни бўри ер», дедилар».

Абу Довуд, Насай ва Аҳмад ривоят қилганлар. Ҳоким саҳиҳ деган.

Шарҳ: Демак, қаерда учта ва ундан кўп мусулмон одам тўпланса, ўша ерда жамоат намози ўқилиши керак. Ҳатто икки киши бўлса ҳам, намозларни жамоат бўлиб ўқишлари лозим. Жамоат намози ўқимаганларга шайтон эга чиқиб, уларни ўз қулларига айлантириб олади. Жамоат намозига қўшилмаган одам мусулмонларнинг жамоатидан айрилади. Жамоатдан

айрилиш ҳеч қачон яхшилик келтирмайди. Қўрадаги қўйлардан ажраган қўй бўрига ем бўлади, жамоатдан ажраган одам эса шайтонга қул бўлади.

Бу ҳикмат доимо юзага чиқиб келган. Муслмонлар ичидаги обрў-эътибор уларнинг жамоат намозига қатнашишларига қараб бўлган. Жамоат намозига қатнашмайдиганлар эса хонасалот (уйда намоз ўқувчи) лақабини олиб, обрўсиз кишилар ҳисобланганлар.

Муслмонлар қаерда бўлмасинлар, икки-уч киши бўлсалар ҳам, ҳамини жамоат намози ўқишга ҳаракат қилганлар. Ўзлари қандай ҳолатда яшамасинлар, биринчи галда жамоат намози ўқиш учун масжид қуришни ўзларининг муқаддас бурчлари деб билганлар.

Муаллиф шундай ҳикоя қилади: «Мисрнинг бепоён чўллари... Катта тезликда бораётган автомашина ойнасидан аҳён-аҳёнда тўкилиб тушган кичик уйларнинг харобалари кўринади. Уларнинг ўртасида эса кичик, аммо бутун масжид кўринди. Саҳровий муслмонлар ушбу ҳадиси шарифга амал қилиб, уч-тўрт киши бўлсалар ҳам жамоат намози ўқиш учун масжид қурган эканлар.

Аксинча, баъзи жойларда шаҳар-қишлоқлар оралаб бир неча кун юрсанг ҳам бир дона масжид топа олмайсан. Шайтон ана ўшандоқ юртларнинг одамларига эга чиқмай, кимга эга чиқсин?! Ўшаларни залолатга кетказмай, кимни кетказсин»?!

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди